Командиримиз ана шу портга ишора қилиб: «Ким идиш тўлдириб сув олиб чиқса, у қаҳрамон бўлади», — деб тегишди. Қани энди у ёққа ўтиб бўлса. Девори етти метрлар чамасида, ўқ ҳам ўтмайди. Чиқиш ҳам осонмас.

Яқин атрофдан нарвон топдик, бўлинмамиз жангчилари билан тепага кўтарилдик. Пастдагилар бизни пана қилиб туришди. Тепага чиқиб қарасак, девор анча қалин экан. Пастга тушиб, ертўлали қилиб қурилган каттагина казарма қаршисидан чиқдик. Шериклар билан маслаҳатлашиб, бирдан ёпириладиган бўлдик. Дераза томонга граната отгандик, казарма сари йўл очилгандай бўлди. Хонага яшин тезлигида кириб: «Хенди хох», дедим.

Асирга тушган юзга яқин фашистни қисмимизга олиб келдик. Бу хизматимиз учун менга ва яна бир шеригимга Қизил Байроқ ордени беришди. Бундан ташқари, Қуролли Кучлар Бош Қўмондони қисмимиз шахсий таркибига 1945 йил 25 апрелда Ташаккурнома йўллади.

Т. МАМАСОЛИЕВ,
М. АКБАРОВ,
Андижон вилояти.

НА ТРУДОВОМ ФРОНТЕ

Трудятся в Центральном совете Организации содействия обороне Республики Узбекистан «Ватанпарвар» два скромных, уважаемых человека. Они вносят значительный вклад в патриотическое воспитание молодежи, ее подготовку к службе в армии. Они — это Дмитрий Васильевич Нарежный и Павел Михайлович Кадуба, фронтовики, которые вместе со всем народом испытали на себе лишения и тяготы военных лет.

Биография Дмитрия Васильевича Нарежного обычна для его поколения. Родился в 1917 году в селе Самойловка Саратовской области. В 1941 году началась служба в армии, где он закончил ускоренный курс Воронежского военного училища связи. С октября 1941 года — командир взвода. В 1943 году воевал на Калининском, затем на 1-м Прибалтийском фронтах.

Много горя пришлось повидать ему. Настолько много, что и сегодня, рассказывая о войне, он часто не может сдержать слез.

За боевые подвиги Дмитрий Васильевич удостоен двух орденов Красной Звезды, ордена Отечественной войны II степени, двух медалей «За боевые заслуги» и других наград.

Случались ли какие-нибудь курьезные случаи на фронте? — спросили мы героя. И он рассказал об одном эпизоде, свидетелем которого оказался сам.

— Случилось это на фронте, при освобождении белорусского города с необычным названием Городок, — вспоминает Дмитрий Васильевич. — Дело было ночью. Фашистов выбили из города. И только мы заняли его, как смотрим, навстречу нам что-то движется. Присмотрелись внимательнее и замерли в недоумении. Когда незваный гость подъехал к нам — раздался хохот на всю округу. Этим гостем оказался вражеский повар с кухней и готовой пищей. Три дня назад отправленный на фронт, немец вместе с нами хохотал как сумасшедший: привез готовую пищу врагу. Кстати, он был очень рад этому и с готовностью сдался в плен.

Есть что вспомнить про военные годы и Павлу Михайловичу Кадубе. В пятнадцатилетнем возрасте узнал, что такое оккупация. После отступления немцев был эвакуирован с семьей в глубь страны. Но уже в октябре 1943 года они возвратились в родные края. Едва ему исполнилось 17 лет, как он подал заявление о призыве его на службу в армию. Просьбу удовлетворили, и он оказался на Закавказском фронте. Затем воевал в 799-м артиллерийском полку 269-й Краснознаменной стрелковой дивизии. Не раз принимал участие в атаках на противника.

Группе разведчиков, в которой был и Павел Михайлович, надлежало постоянно определять координаты целей противника. Особенно трудно пришлось под городом Салдус (Латвия). Именно здесь, в лесной местности, возникали особые сложности в определении координат боевых точек врага. Нередко вынуждены были наблюдательный пункт (велась оптическая разведка) располагать на высокой сосне, в непосредственной близости от противника, а значит, быть под его перекрестным огнем.

Потом были Бухарест, Дунай, и... Победа.

Сегодня грудь ветерана украшают ордена Отечественной войны II степени и «За службу Родине» III степени, медали «За отвагу», «За боевые заслуги» и ряд других.

Два бойца — Дмитрий Васильевич Нарежный и Павел Михайлович Кадуба — работники Управления по военно-технической подготовке Центрального совета ОСО «Ватанпарвар». Сегодня они — на трудовом фронте, работают добросовестно и с полной отдачей.

Л. ПРОКОФЬЕВА,
заместитель начальника отдела ОМР и ВПП ЦС ОСО РУ «Ватанпарвар».

ПОКЛОНИМСЯ ВЕЛИКИМ ТЕМ ГОДАМ

Прошлое, даже самое далекое, никогда не уходит из настоящего, не покидает его. Оно живет в нас, в нашей памяти. Когда доблестные войска великого Амира Темура праздновали свои блестящие победы над врагом, это были и наши победы. Когда герои-узбекистанцы вместе с другими народами стояли насмерть у стен Сталинграда, выстояли и победили — это тоже была наша победа.

Как быстротечно время. Кажется, все, что нами было пережито в то трудное, голодное и жестокое время, было совсем недавно. А действительность говорит об обратном, да и память иногда начинает подводить. И не мудрено, ведь пошел отсчет второго пятидесятилетия после Дня Великой Победы. Но память еще живет с нами и в нас, помогает нам и себя держать в рамках, и воспитывать молодое поколение такими же стойкими и мужественными, такими же патриотами, какими мы были в дни суровых испытаний.

Тот, кому довелось участвовать в исторической битве на Волге, никогда не забудет тех тяжелых для страны дней, опаленных заревом пожарищ, бесконечным грохотом бомбежек, разрывами мин, снарядов и свистом пуль. Здесь, под Сталинградом, решалась судьба будущей Победы. И, наверное, поэтому прошло уже более полстолетия, как отгремели победные выстрелы на сталинградской земле, а слава героических защитников города не померкла, она будет и дальше спять как олицетворение торжества стойкости и воли народа.

Мне довелось участвовать в защите Сталинграда в сентябре 1942 года, в один из тяжелых периодов битвы, когда оборона города, по существу, еще не была организована, а враг наступал большими силами. Ему удалось, прорвав фронт наших дивизий, подойти к Волге.

... Командир полка майор А. Костеницын по телефону приказал командиру 3-го батальона капитану А. Удачину:

— Не допустить продвижения противника по берегу Волги.

В 10 часов противник нанес удар авиацией и перешел в наступление. Но гитлеровцев остановил огневой налет артполка. Но ненадолго. Они вновь полезли на наши позиции. Поработать пришлось основательно и результативно.

Здесь, под Сталинградом, сражались воины-узбекистанцы, среди которых Х. Шарипов, М. Махмутов, Х. Мирзоев и многие другие. Их объединяла ненависть к врагу и горячая любовь к Родине. Они выполнили свой патриотический долг, выстояли и победили.

Здесь я, можно сказать, получил боевое крещение. За бои под Сталинградом получил первую боевую награду — орден Красной Звезды. Немало у меня наград, но этот орден особый. Он получен в самые тяжелые дни боев, за участие в битве, значение которой оценено всем человечеством. Дорога мне и медаль «За оборону Сталинграда». Медаль мужества, как ее окрестили фронтовики. По этой медали я узнаю своих земляков-узбекистанцев, внесших весомый вклад в достижение Победы над врагом.

Прошли десятилетия, но уроки битвы на Волге не прошли даром. Они учат нас любви к нашей независимой Родине, мужеству и стойкости, великой дружбе, обеспечивающей наше поступательное движение вперед.

Дорогие наши воины, воины Вооруженных Сил независимой страны! Свято храните и умножайте боевые традиции, будьте достойными славы фронтовиков! Воинская служба никогда не была легкой. Она и сегодня требует от вас напряжения всех духовных и физических сил, мужества, настойчивости и целеустремленности. Всегда помните: за вами — страна, наша независимая Родина. Пусть каждый ваш шаг знаменует новые успехи в боевой подготовке. На вас смотрит народ, он вам верит и надеется на вас.

И. ТЯПУГИН,
лейтенант в отставке.

ПАМЯТЬ

1941 — 1945



Все дальше в летопись истории уходят суровые дни войны против фашизма 1941 — 1945 годов, но память человеческая прочно хранит все, что с ней связано. Разве можно забыть о том, что, находясь далеко от войны, Узбекистан 22 процента своего населения отправил на фронт, а точнее, 40—42 процента трудоспособного населения оказались на фронте. 263005 человек погибли, 132670 человек пропали без вести, т. е. 395675 человек не вернулись на Родину, 60452 наших соотечественника стали инвалидами. Для любой страны это — большое горе, а для нашей, в которой в то время проживало лишь 6,5 млн. человек, это были огромная утрата и всенародная боль. И потому нанесенные войной раны и сегодня кровоточат.

Мы должны помнить о героях войны и ее рядовых тружениках, проявлять заботу о живых и павших, помнить и о героях трудового фронта, которые отказывали себе во всем и отдавали фронту все, чтобы обеспечить Победу.

Но не только чувством милосердия должны мы руководствоваться, говоря о героях войны, но и учиться у них мужеству, отваге, верности матери-Родине и умению защищать ее интересы. «Мы должны унаследовать от предков, — говорил Президент страны И. А. Каримов, — их умение защищать независимость и славу Узбекистана и должны быть всегда готовы к его защите».

МОҲИР РАЗВЕДКАЧИ ЭДИ

Москва мудофааси учун бўлган шиддатли жангларда жароҳат олган разведкачи Мўмин Каримов госпиталда даволангач, 62-армия таркибида Сталинград жангларида қатнаша бошлади.

Кунларнинг бирида у разведкачилар билан куппа-кундузи душман ўт очиш нуқтасини яксон қилиш тўғрисида буйруқ олди. Сафдан чиққан душман техникаси панасидан фойдаланиб, фашистлар пулемётига яқинлашгач, граната боғламини улоқтирди. Душман пулемётини яксон қилди, бир фашист офицери ва икки солдатини ер тишлатди. Жанговар вазифа бажарилди.

Курск бўсағасида олиб борилган жанглар пайтида, бир неча кундан бери миюжка қоқмаган Мўмин Каримов ва унинг дўсти Михаил Прутковга қисқа муддатли сокинликдан фойдаланиб, дам олишга рухсат этилди. Каримов энди мудрай бошлаган эди, шарпа товуши эшитилиб қолди: у душман разведкачиси эди. Каримов дарҳол ўрнидан туриб, гитлерчи устига ташланди...

1944 йил, 16 июль. Тонг отиши олдидан Марушка қишлоғи яқинида Мўмин Каримов бошлиқ разведкачилар жанговар вазифани бажариш учун йўлга тушганда соат беш эди. Топшириқ эса тонг отмасдан олдин бажарилиши шарт. Бир неча дақиқада душман қаровҳонига етиб борган азаматлар қўққисдан ҳужум қилишиб, гитлерчиларга қирон келтиришди. Мўмин Каримов 7 фашистни ер тишлатиб, 1 фрицни асирга олди.

Разведкачилар гуруҳи 21 июль куни Памише дарёсидан ҳам ҳаммадан олдин ўтиб, ғарбий қирғоқда ишғол қилинган плацдармни асосий кучлар етиб келгунга қадар ушлаб турдилар. Душманнинг 14 солдат ва офицерини жаҳаннамга жўнатиб, бир фашистни «тил» қилиб олдилар.

Душманни қувишни давом эттирган 8 разведкачи гитлерчиларнинг орқа томонига ўтиб олиб, йўл ёқасидаги пистирмада туришди. Чекинаётган фашистлар йўлини пойлаб, улар яқинлашиши билан шиддатли ўт очишди. Натижада 20 гитлерчи яксон қилиниб, бир автомашина қўлга тушириди.

Ана шу мардона ҳаракатлари учун Каримов III даражали Шуҳрат ордени билан мукофотланди.

...Пилица дарёсидан ўтиб унинг ғарбий қирғоғида плацдарм ишғол қилиш 1945 йилнинг 15 январь кунига белгиланди. Каримов стакчилигидаги разведкачилар тун ярмидаёқ дарё қирғоғига етиб келишди. Дарёдан биринчи бўлиб Мўмин Каримовнинг ўзи ўтди. Гуруҳ ғарбий қирғоқда плацдарм ишғол қилди.

Разведкачиларни сезиб қолган гитлерчилар ҳужумга ўтишди. Разведкачилар душманни жуда яқин келтириб, автоматлардан шиддатли ўт очдилар, граналар улоқтирдилар. Душман чекинишга мажбур бўлди. Шу тенгсиз жангда Каримовнинг шахсан ўзи ғаниларнинг 30 солдат ва офицерини қириб ташлади.

Каримов Радомиско шаҳрига ҳам биринчилардан бўлиб кирди. Шаҳар кўчаларида олиб борилган жангларда жасорат ва матонат кўрсатиб, 37 гитлерчини яксон қилди, граната боғламини улоқтириб, бир автомашинани портлатиб юборди.

Унинг бу жасурликлари II даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланди.

...Берлин бўсағасида олиб борилган жангларда Каримов бир гуруҳ разведкачилар билан Зембра қишлоғига биринчи бўлиб кириб бориб, душман батальони штабига қарата ўт очди. Шу ерда 32 гитлерчи қириб ташланиб, бир фашист асир олинди ва муҳим ҳужжатлар қўлга киритилди.

26 апрель куни Каримов Барут шаҳрига ҳам биринчилардан бўлиб кириб борди, кўча жангларида 18 гитлерчини жаҳаннамга жўнатди ва душман тўғрисида аниқ маълумотлар қўлга киритди. Чап қўлидан яраланган бўлишига қарамай, олдингилар сафида борди. Шиддатли ҳужум жанглари давом этган тўрт кун давомида 87 гитлерчини қириб ташлади.

Бу жасоратлари учун у I даражали Шуҳрат ордени билан мукофотланди.

1940 йилда ҳарбий хизматга чақирилган янгийўллик Мўмин Каримов 1945 йилнинг охирида оиласи бағрига қайтди. Умрининг охиригача Ниёзбоши қишлоғида яшаб, жамоа хўжалигида фидокорона меҳнат қилди.

Шуҳрат ордени тўла нишондори 1979 йилда мангуликка бош қўйди. Унинг хотираси қалбимизда доим сақланади.

Мажид САМАДОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси, ёзувчи ва журналист.

ҚИСҚА, ЛЕКИН МАЗМУНЛИ УМР

Умрлар бўладики
тиригида ўликдир.
Умрлар бўладики,
ўлигида тирикдир.

Севимли шоиримиз Мақсуд Шайҳзода шеъридан олинган бу мисралар ўзбек халқининг асл фарзанди генерал Собир Раҳимовга ҳам тегишлидир. У, жуда қисқа, атиги 43 йил умр кўрди, лекин унинг умри — жуда мазмунли, шунинг билан бирга кўпларга ибрат бўларли умр.

... 22 июнь, 1941 йил, якшанба. Собир Раҳимов эртатонг уйғонди. Бу унга одат бўлиб қолганди. Тетик ўрнидан тўриб ювингач, ўзи хизмат қиладиган бўлинмага — ёш аскарлар ҳузурига йўл оларди. Бугун эса дам олиш куни. Командир ҳар галгидек эрталаб туриб ювингач, ҳовли саҳнини бамайлихотир айланди, сўнг уйга кириб турмуш ўртоғи Моҳиро опани ва ўғилчаси Идрисни уйғотди:

— Қани туринглар, бугун шаҳар бўйлаб саёҳатга чиқишни ваъдалашгандик-ку...

Бир оз вақт ўтгач ҳарбий бўлинмада «сирена»дан чалинган садо атрофни чулғаб олди. «Ўқув тревога»си бўлса керак, деган фикрни кўнглидан ўтказди Собир Раҳимов. У тезда бўлинмага етиб келгач, лаънати уруш бошланганлиги ҳақидаги машъум хабарни эшитди...

Орадан бир неча кун ўтгач дивизия ҳарбий эшелонда фронтга жўнаб кетди. Эрта тонгда эшелон Смоленскка яқин жойга келиб тўхтади. Дивизия қўшинлари вагонлардан тушиб ҳужумга ташланиш учун ҳимоя чизиғини эгалладилар, лекин душман истеҳкомларидан даҳшат билан пуркаб турган ажал ёмғири қўшинларимизга ҳужумга ўтишга имкон бермасди. Ҳар икки томондан тўхтовсиз отишма пайтида полк командири майор Ермолаев оғир яраланди. Энди полк қўшинларининг тақдири ва жангни қандай якунланиши Собир Раҳимов зиммасига тушди. Вазият ниҳоятда оғир. Начора жанглар билан чекинишга тўғри келди.

1941 йилнинг кузида Москва яқинидаги Ельня шаҳрида олиб борилган сурункали ва шиддатли жанглар пайтида ташаббус бизнинг қўшинларимизга ўтди. Душман қаттиқ маглубиятга учради. Бир неча кун мобайнида катта талафотга учраган душман Ельня, Можайск ва Волоколамскдан улоқтириб ташланди. Ростов учун олиб борилган қонли жангларда ҳам қўшинларимиз душман устидан ҳужумни жадаллаштириб, биринчилардан бўлиб шаҳарни ишғол этдилар. Душманнинг кўплаб танклари, автомашиналар ўлжага олинди.

Донбасс учун оғир жанглар борарди. 1942 йил май ойида Собир Раҳимов 353-ўқчи дивизия бошлиғи ўринбосари этиб тайинланди. Дивизия Грозний, Майкоп, Боку нефть манбалари, ғалла базаси ҳисобланган Кубань ва Кавказнинг битмас-туганмас бойликларини қўлга киритиш учун жон-жаҳди билан ташланган гитлерчиларнинг сараланган армиясига қарши курашди. Бу жанглар мобайнида дивизия қўшинлари мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Собир Умарович кичик командирлар ва оддий аскарларга нисбатан ниҳоятда ғамхўр ва меҳрибон эди. Тактик ва стратегик вазифаларни гоят пухта еча оладиган, шу билан бирга, барчага намуна бўладиган довюрак генерал эди. Ана шу мардлиги учун у тўрт маротаба жанговар Қизил Байроқ ордени, II-даражали Суворов ордени ва бошқа орденлар билан мукофотланганди.

1945 йилнинг дастлабки январь — февраль ойлари мобайнида Польшани озод қилиш учун шиддатли жанглар борарди. Генерал Собир Раҳимов бошқараётган дивизия қўшинлари бошқа бўлинмалар билан ҳамкорликда душманга қаттиқ зарба берарди. Даятлова, Млава, Плонск шаҳарлари озод қилинди. 5-март куни эса душман мудофаасининг энг сўнгги истеҳкоми — Грауденц қалъаси ишғол қилинди. 6-март куни кечқурун эса Москва Грауденц қалъа шаҳарни душмандан озод қилган қўшинларимиз шарафига 224 замбаракдан ўт очиб салют берди.

Минг афсуски, Данциг шаҳрини озод қилиш учун олиб борилган жанглар пайтида Собир Раҳимов турган окоп яқинида биринкетин душманнинг икки снаряди портлайди. Унинг осколкалари Собир Раҳимовни қаттиқ жароҳатлайди. Уни зудлик билан фронт яқинидаги госпиталга жўнатадилар. Лекин қаттиқ яраланганлиги туфайли унинг ҳаёти сўнади. Бу аянчли воқеа 1945 йил 26 март куни содир бўлган эди.

А. ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

СЕВИМЛИ ДЎСТИМИЗ

Салом олиб келмиш
у бизга,
Қизларнинг гул
ёноқларидан.
Ўзи ўсиб вояга етган,
Ўзбекистон гулбогларидан.
Ҳордиқда, ҳам жанговар
сафда,
У биз учун машҳур,
қадрдон.
Ўз жарангдор қўшиғи
билан,
Шарафлайди Ватанни
ҳар он.
Давра қуриб, қарсаклар
чалиб,
Шоду ҳуррам бошласак
ўйин,
Шўхлик қилиш, рақсга
тушишда,
Бу йигитга тенг келиш
қийин.
Қийғин бот узра
силкитиб,
Гўзалларга кўз қисади,
боқ.
У бор экан, жанговар
кунлар,
Ўтаверар завқли ва
қувноқ.

С. МАЖИДОВ.

ВЕЧНЫЙ ОГОНЬ

— Сменить Вам надо
место проживанья, —
Советуют ташкентские
врачи.
Прохладный климат и
морские ванны
Больное сердце могут
излечить.
Хотя я по натуре непоседа,
Меня дороги дальние
манят,
Решил, что никуда я
не уеду.
Я буду жить у Вечного
огня.
В гранитной чаше
отблески заката,
Пурпурный свет
негаснущий, живой.
Мне кажется, что здесь
останки брата,
Погибшего в сраженье
под Москвой.
Быть может, он и есть
солдат тот Неизвестный,
Своим бессмертным
подвигом велик,
Стал нынче для меня
священным местом
Огонь на площади
Мустакиллик.

М. ДОКТОРОВ.

У КУРГАНА СЛАВЫ

Каждый раз, когда я здесь бываю, ощущаю волнение и чувство, словно соприкасаюсь с подвигом тех, кто отдал свою жизнь за наше счастье, наше будущее.

Это курган Славы. Священное место для каждого жителя нашего города. Здесь горит Вечный огонь в память о тех, кто в суровые годы войны встал на защиту нашей Родины, ушел и не вернулся с полей сражений. Сюда приходят школьники и студенты, ветераны войны и труда, воины, чтобы еще раз отдать дань погибшим во имя мира и Победы...

Мои размышления прервал пожилой человек, который медленно, с трудом поднимался к кургану Славы. Его вел под руку мальчик лет двенадцати

— Годы, годы, Касымжон. Если б не ты, мне уже сюда не подняться, — приговаривал старик.

— Дада, а вы не торопитесь, до монумента осталось немного. Еще чуть-чуть, и мы у цели, — подбадривал Касым.

Вскоре они оказались на вершине кургана, откуда открывалась широкая панорама города.

— Касымжон, — позвал старик внука. — Сегодня прошло ровно пятьдесят лет, когда погиб твой прадед. Храбро сражался, был танкистом. Сначала ушел на фронт он, а через год взяли меня. Не хотели брать, возрастом был мал. Пришлось в военкомате обмануть, прибавить себе 1 год. Гнали фашистскую нечисть на Запад, пока не добили. Вернувшись домой, я узнал, что погиб мой отец...

Дед с внуком аккуратно положили на мраморную плиту алые розы. Ветерок шевелил седые волосы ветерана. Было слышно, как, касаясь друг друга, зазвенели ордена и медали на его груди...

... Тишину нарушил солдатский строй. Чеканя шаг, воины колонной шли к Вечному огню. Запевалы старательно выводили мотив солдатской строевой песни. Прохожие останавливались и, улыбаясь, долго смотрели им вслед.

У воинов-узбекистанцев был незабываемый день — принятие Военной присяги. Молча застыли они у Вечного огня, крепко сжимая в руках автоматы. Один за другим выходили из строя и с волнением зачитывали текст Военной присяги:

— Я, Гафаров Анвар, вступая в ряды Вооруженных Сил Республики Узбекистан...

— Я, Хакимов...

— Я, Джураев...

Когда отзвучали последние слова, командир поздравил личный состав с принятием Военной присяги и пожелал успехов в службе.

Троекратное «Ура-а...» далеко, эхом, разнеслось по городу.

Лучшим воинам было предоставлено право возложить венки к Вечному огню. На алых лентах золотом были написаны слова: «Традиции отцов продолжим и умножим!»

А затем к тем, кто только что присягнул на верность народу и Президенту, с напутственным словом обратился убеленный сединой ветеран, грудь которого украшало множество боевых наград.

— Дети, — звучал его еще крепкий голос, — сегодня вы приняли Присягу на верность Отчизне. Служите честно и добросовестно. Гляжу на вас и радуюсь: надежная у нас смена! В жизни каждого человека бывает много памятных дат, но этот день особенный. Сегодня вы дали клятву быть верными сынами нашего народа. Это не простые слова. Каждый, однажды дав такую клятву, должен пронести ее через всю свою жизнь. И где бы вы ни были, что бы вы ни делали, не забывайте об этом...

Пройдя торжественным маршем с равнением на Вечный огонь, солдаты возвратились в часть.

... А тем временем к кургану Славы подъехала «Волга», сопровождаемая эскортом автомобилей. Из нее вышли новобрачные, жених и невеста, с букетами ярких цветов. Их лица светились счастьем. Взявшись за руки, они неторопливо поднимались наверх, чтобы возложить цветы и дать клятву верности в любви. А мне подумалось: нет, не забывают люди это священное место, где они становятся чище, добрее и милосерднее. Они помнят его, а значит, помнят и тех, кто отдал свои жизни за наше светлое будущее.

Подполковник запаса
В. ЛН.

СЕШАНБА Учрашувлари

Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ:

„Менинг устозларим кўп“

Режиссёрлик касби ғоят ноёб, мўъжизакор санъатдир. Менинг актёр сифатида кинода ҳам, театрда ҳам, умуман ижодий тобланишимда режиссёрларнинг тутган ўрни беқиёс бўлган. Шундай режиссёрлар бўладики, улар образлар талқинини икки-уч оғиз сўз билан, ёки кичик бир йўналиш билан қалбингизга қуйиш қудратига эга бўлишади.

Ўзбек театр санъатининг ана шундай мўъжизакор режиссёрларидан бири — Баҳодир Турсунович Йўлдошев билан яқинда суҳбатдош бўлдим. Мен буни мамнуният билан «Ватанпарвар» газетаси муштарийлари эътиборига ҳавола этишни истардим.

— Баҳодир Турсунович, биламан, Сиз Тошкент театр санъати институтини тамомлагансиз. Ушбу даргоҳ домлаларидан қай бири Сизда энг кўп таассурот, қалбингизда ўчмас из қолдирган?

— Зикир ака, мени институтда ҳам, театрларда ҳам домлаларим кўп. Каттақўрғон театрида санъатнинг асосий таълимини олганман, десам бўлади. Чунки, онам ўша театрда ишлаганларида доим театр жамоаси ичида бўлар эдим. У ерда фақатгина Каттақўрғон театри спектаклларини эмас, балки Самарқанд шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли театрнинг ҳам кўп спектаклларини кўрганман.

Ўша пайтлар Ҳамза номидаги академик драма театри жамоаси бизнинг вилоятимизга гастроллар уюштириб турарди. Шу боис мен Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраева каби энг талантли артистлар ижросидаги ролларни болалигимданоқ севиб томоша қилганман. Санъатимизнинг ана шу буюк намояндалари менинг институтга келишимга сабаб бўлишган. Бахтимни қарангки, институтда ўзбек режиссурасида маълум из қолдирган Тошхўжа Хўжаевдек катта санъаткор қўлида таҳсил кўришимга тўғри келди. У менга театр санъати мўъжизаларини ўрганишимга қолмай, бўлажак режиссёрлик фаолиятим режаларини ҳам тузиб берган.

— Ижодий меҳнат фаолиятингизни қайси театр жамоасида бошлагансиз?

— Мен Тошхўжа Хўжаевнинг таъсири билан республикамиздаги энг йирик театрлардан бири — Ҳамза номидаги академик драма театрида иш бошладим. Бу жамоа мени ниҳоятда самимий кутиб олди. Ўша вақтда бу театрга директорлик қилиб турган улкан санъаткор Олим Хўжаев келишим биланоқ менга драматург Чичковнинг «Мен Чилига ишонаман» пьесасини ишониб топширди. Ўзи пьесадаги бош қаҳрамон ролини ижро этган ҳолда менинг мустақил иш олиб боришимга кўмаклашди ҳам.

Мен бу театрда кўп спектакларни саҳналаштирдим. «Саҳро тор», «Зебинисо», «Юлдузли тунлар», «Ғариблар», «Келинлар қўзғолони» шулар жумласидандир. Ёзувчи Саид Аҳмад аканинг «Келинлар қўзғолони» нафақат бизнинг республикамиз театрларида, қардош халқлар, ҳатто чет эл саҳналарида ҳам ўз талқинини топди, деса бўлади.

— Баҳодир Турсунович, «Келинлар қўзғолони» Африканинг Лаос театрида ҳам қўйилган, деб эшитганман.

— Ҳа, шундай. У ерда мазкур спектаклни қўйганимизда қизиқ бир воқеа бўлган: маълумки, пьеса давомида Фармонбиби ҳузурига бир аёл пора ваъда қилиб, ўғлини қамоқдан қутқаришда ёрдам сўраб келади. Мен шу саҳнани лаосликларга ҳеч тушунтира олган эмасман. Чунки улар пора ва порахўрлик нима эканлигини билмас эканлар. Уларда бундай касофат йўқ экан. Шу боис ўша лавҳани олиб ташлашга тўғри келди.

— Каттақўрғонга кираверишда очиқ ҳавода, қадимий пиллапоялардан иборат, ўз саҳнаси билан театрни эслатадиган жой ҳозирланмоқда. Ҳозирданоқ «Гумбаз театр», деб ном олган бу санъат қошонаси қачон ишга тушади?

— Бизнинг мамлакатимизда театр санъати қадим замонлардан мавжуд бўлган. Лекин у театрлар ҳозиргидек муҳташам биноларга эга бўлмаган, театр томошалари очиқ майдонда ижро этилган. Биласиз, римликлар қадимда ҳарсанг тошлардан тоғ бағрида ўтиргичлар қилишган. Ўртасидаги циксимон майдонда томошалар кўрсатилган. Мен ўшани орзу қилиб, Каттақўрғонда шаҳар ҳокимияти ёрдамида иш бошладим.

Шу ўринда бир фикрни эслатиб ўтмоқчиман: Самарқанддаги Регистон мадрасалари ўртасида катта-катта санъат байрамларининг ўтказилиши бежиз эмас. Биз машҳур рассом Георгий Брим билан Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган маросимтадбирни шу буюк зот мадрасасида ўтказдик. У рамзий маъно касб этди, десам бўлади.

— Баҳодир, мен Сизнинг доим шу рассом Брим билан бамаслаҳат ишлашингизни биламан. Бунинг сабаби нимада?

— Сабаби шуки, у мени, мен эса уни яхши тушуна оламиз. Санъатда, ижодиётда, бу — ниҳоятда муҳим масала. Саҳналаштирмоқчи бўлган ҳар бир спектаклни қандай талқин этишимни Брим билан фикрлашар эканман, у дарҳол ана шунинг ечимини топиб беради. Топиб берадигина эмас, балки уни теранроқ ҳал этишимга кўмаклашади ҳам.

Яқинда газетада у ҳақда бир фикр айтишди. У шундай таърифга эга: мен иморат қуриш учун лой тайёрлар эканман, у пишитиб, иморатнинг мустаҳкам бўлишига ёрдамлашади. Бу жуда оддий сўз-у, аммо маънодор айтилган. Дарҳақиқат, мен қўяётган спектакларнинг мустаҳкам бўлишида рассом Бримнинг ҳиссаси катта бўлаяпти, деб биламан.

— Сиз 50, Брим эса 60 йиллик юбилейларингизни иккалангиз бир кунда нишонладингизлар...

— Тўғри, мен Бримдан 10 ёш кичкинаман, лекин тасодифни қаранг-ки, йил жиҳатидан орамизда шунча масофа бўлса ҳам, туғилган кунларимиз бир кунда экан.

— Баҳодир, Сизлар Брим билан улуғ Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достони асосида Искандар номли саҳна асари яратдинглар. Унда Алишер Навоий ролини фаранглик актёр Франсуа Шатто ижро этган. Шу ҳақда гапириб берсангиз?

— Буюк мутафаккир Алишер Навоий ўзининг бу асарида жуда катта мавзуни қамраб олган, деярли барча чин инсонийлик фазилатларни унга жо қилган десак бўлади. Шунингдек, асарда алоҳида ўрин берилган тинчлик, осойишталик мавзуси спектаклда ҳам биринчи планда бўлди.

Дарҳақиқат, ушбу спектаклда Алишер Навоий ролини франциялик Франсуа Шатто ижро этди. У ўз она тилида, бошқа актёрлар эса ўзбек тилида сўзлашдилар. Бу — спектакль мавзусига асло ҳалақит бергани йўқ. Аксинча, француз актёрининг буюк мутафаккиримиз қиёфасига пайдо бўлиши ғурур, фахр кашф этди, дейиш мумкин. Яна шуни қайд этишим керакки, Франсуа Шатто ўзини саҳнада шундай тутдики, гўё у Франция саҳнасида роль ижро этаётгандек туюлди.

— Баҳодир Турсунович, Сиз рахбарлик қилаётган Аброр Хидойтов номли театрга борганимда, Сизни кўпинча ажойиб ёзувчимиз Хуршид Даврон билан бирга учратаман. Назаримда янги саҳна асари устида ишлаётган кўринасизлар?..

— Мен ҳам ўз олдимга аждодларимизни тарихий жиҳатдан ҳаққоний қилиб таърифлашни мақсад қилиб қўйганман. Кўпдан бери юрагимни ларзага келтираётган бир нарса бор: буюк Соҳибқирон тузган шундай катта давлат кейинчалик нега парчаланиб кетди?!

Мана, эндиликда мустақил давлат бўлдик. Биз истиқлолимизни мустаҳкамлашимизда аждодларимиз баъзан йўл қўйишган хатоликларни такрорламаслигимиз зарур, деб биламан. Хуршид Даврон билан ҳамкорликда ўша хатоликларни ва парчаланишимизга сабаб бўлган шахсларни кўрсатиш орқали бугунги авлодни яна-да жипслашишга ундовчи саҳна асари яратмоқчимиз. Токи келажаги буюк Ўзбекистонимиз ва унинг мустақиллиги барқарор бўлсин!

— Баҳодир, Сиз армияда хизмат қилганмисиз? Ўз Қуролли Кучларимиз шахсий таркибига қандай тилакларингиз бор?

— Ҳа, институтни тугатгач, яъни 1970—1971 йилларда армияга чақирилиб, Павлодар шаҳрида хизмат қилганман.

Мана, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, ўз армиямизга ҳам эга бўлдик. Бугунги ёшларимиз ўз она-Ватанларига посбонлик қилишмоқда. Мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш, солдатларнинг аъло даражада хизмат қилишлари учун Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Конституциявий ва йигитлик бурчларини шараф билан бажаришаётган ўғлонларимизга айтар сўзим шуки, ватанпарвар бўлишсин, эр йигит номига ҳеч качон доғ туширишмасин. Ҳарбий санъат сирларини мукаммал эгаллаб, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, Жалолиддин Мангуберди, генерал Собир Раҳимов каби буюк аждодларимиз анъаналарини муносиб давом эттиришсин.

Она-Ватанимиз мустақиллиги ҳамда яхлитлигини, тинчликсевар халқимиз осойишталигини ҳимоя қилишдек масъулиятли ва шарафли хизматларида уларга муваффақиятлар тилайман. Ҳар доим соғ-саломат, эпчил, бақувват ва уқувли бўлишсин. Зеро, буюк бобокалонимиз айтмиш, аскари қувватли мамлакатнинг бой ва қудратли бўлиши, шубҳасиз!

Суҳбатдош:
Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
халқ артисти.

Изучаем узбекский язык
Ўзбек тилини ўрганамиз

47-И УРОК **47-ДАРС**

Содержание урока: сложноподчиненное предложение.

Дарснинг мазмуни: эргашган қўшма гап.

Сложноподчиненным называется такое сложное предложение, части которого соединены при помощи подчинительных союзов:

-ки — потому что, что, чтобы;
чунки — потому что, так как;
шунинг учун — поэтому;
негаки — потому что;
сабабки — потому что;
шекилли — кажется, видимо, по-видимому;
гўё — как будто;
борди-ю — если;
мабодо — если, случайно;
токи — пока, а если, предположим, что.

Сложноподчиненное предложение состоит из двух или более простых предложений, которые неравноправны: одно из них определяет и разъясняет другое. Поясняющая часть является придаточным предложением — **эргаш гап**, а поясняемая часть является главным предложеним — **бош гап**. Придаточные предложения отделяются от главной части запятой:

Мы верим, что мир победит во всем мире. — Биз ишонамизки, тинчлик бутун дунёда ғалаба қозонади. Здесь **«Биз ишонамиз»** — главное предложение.

Мы хотим, чтобы в мире никогда не было войны. — Биз истаймизки, дунёда ҳеч қачон уруш бўлмасин.

Мы выиграли соревнование, потому что (так как) к нему хорошо подготовились.— Биз мусобақада ғолиб чиқдик, чунки унга яхши тайёрланган эдик.

Он много читает, поэтому он много знает. — У кўп ўқийди, шунинг учун у кўп нарсани билади.

Задание:

1) Употребляя подчинительные союзы **негаки, сабабки, шекилли, гўё, борди-ю, мабодо, токи**, составьте 7 сложноподчиненных предложений.

2) Переведите на русский язык:
Мен кела олмайман, негаки вақтим йўқ.
У кўп нарса билади, сабабки кўп ўқийди.
Карим Низомни ўқимаган шекилли, сўқчининг вазифаларини айтиб бера олмади.
Ваня шундай ашула айтар эдики, гўё эстрада артистига ўхшар эди.
Биз яхши хизмат қилишимиз керак, борди-ю шундай бўлмаса, биз ҳақиқий Ватан посбонлари бўла олмаймиз.
Мабодо Карим келиб қолса, мана шу хатни унга бериб қўйинглар.
Яхши хизмат қилиш керак, токи Ватан биздан рози бўлсин (рози бўлмоқ — быть довольным).

3) Запомните следующее сравнение:

Сложноподчиненное предложение
Мен ишонаманки, тинчлик ҳамма учун керак. — Я уверен, что мир всем нужен.

Сложносочиненное предложение
Баҳор келди ва гуллар очилди. — Пришла весна, и цветы расцвели.

В первом предложении **«Мен ишонаманки»** — главное предложение, **«тинчлик ҳамма учун керак»** — придаточное предложение, которое раскрывает содержание главного. Эти два предложения связаны между собой с помощью подчинительного союза **-ки**, который находится в составе главного предложения. Кроме того, в составе главного предложения могут находиться и некоторые другие подчинительные союзы (например, **шунинг учун** — поэтому). Союз **-ки** пишется слитно со словом главного предложения, союз **шунинг учун** — отдельно.

Во втором предложении соединены равноправные предложения **«Баҳор келди»** и **«гуллар очилди»** с помощью союза (сочинительного) **«ва»**.

Задание.
Переведите на узбекский язык:
Мы уверены, что мир победит войну (союз -ки).
Мир победит войну, потому что все народы борются за мир (союз **чунки**).
Эминов — отличник боевой и общественно-политической подготовки, поэтому его фотография находится на Доске почета (союз **шунинг учун**).

Э. ҒОЙИБНАЗАРОВ, доцент.

Топқирлик машқи



Азиз муштарий! Қуйида таърифланган сўзлар шаклда бир хилдаги ҳарфлар билан кесишади.

ЭНИГА: 7. Россиянинг чекка шимоли-шарқий қисмидаги вилоят. 8. Ёввойи кўл қушларидан бири. 9. Кичик ҳудудий бўлинма. 10. Қадимий транспорт воситаси. 12. Соҳибжамолнинг «Гули сиёҳ» асари қаҳрамони. 13. Ўзининг ҳақлигини тасдиқлаш мақсадида айтиладиган қатъий сўз, ант. 15. Таъми ширин жануб меваси. 17. Атлантика океанининг ички денгизи, Ўрта денгизнинг бир қисми. 20. Йирик аҳоли турар жойи, саноат ва савдо ривожланган маъмурий марказ. 21. Жамоатчилик томонидан ихтиёрий равишда бажариладиган иш. 24. Автомобиль ёритқичи. 26. Туркиянинг Сайҳон дарёси бўйидаги вилоят маркази. 27. Арабистон денгизидаги қўлтиқ. 28. Бирор ишга киришиш, интилиш. 29. Игна баргли доимо яшил дарахт.

БУЙИГА: 1. Тақсимотда ҳар бир кишига тўғри келадиган улуш. 2. Қишки аравача. 3. Қарши томон қўшинларини ўраб олиш. 4. Кичик, мажозий мазмундаги асар. 5. Серсоя дарахт. 6. Зарбли мусиқа асбоби тури. 11. Турли мудофаа истеҳкомларида ўт очиш учун қўйилган жой. 14. Краснодар ўлкасининг Қора денгиз соҳилидаги шаҳри. 16. Шиддатли ҳужум. 18. Уфқда ҳосил бўладиган турфа-ранглардан иборат кўриниш. 19. Бирор нарса учун қилинган сарф. 22. Қўшинларнинг тантанали юриши. 23. Сенегал пойтахти. 25. Ўрта асрларда Шарқий ва Марказий Осиёда асосий ҳисобланган тил. 27. Қозоқ халқининг буюк шоири.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ.

● ПРОВЕРЬ СЕБЯ

ЗАНИМАТЕЛЬНЫЕ ЗАДАЧКИ

Сегодня хочется сказать вот о чем. Проанализировав поступление почты в редакцию, мы пришли к совершенно логичному в этой ситуации выводу. А именно. Оказались в неравном положении наши читатели из Каракалпакстана и областей в сравнении с их «коллегами» из города Ташкента и одноименной области. Потому мы приняли такое решение, что имена победителей из более дальних от столицы регионов будут называться через две недели после выхода в свет номера газеты с соответствующей задачкой. К примеру, сегодня хотелось бы назвать фамилии **Г. ЗАКИРОВОЙ** из Ферганы, **Н. СОБИРОВОЙ** из Самарканда, **А. КОНТАРЯ** из Чирчика, письма которых, судя по почтовым штемпелям, дают основания назвать их в числе победителей. Поздравляем вас!

Если говорить о задачках, опубликованных в № 13 от 30 января, то победителем вновь стал **Виктор ОРЛОВ**, ученик 7-го класса, житель Ташкента.

А теперь новое задание. Одну из задач прислала нам Наргиза Собирова из Самарканда. Кстати, ученица 6-го класса.

Птичий рынок. Вручив 100 сумов, вас послали на птичий рынок, где на эту сумму вы должны купить голубей по рыночной цене 50 тийин, кур по 3 сума и петушков по 5 сумов. Условие такое, чтобы цифра суммы денег, данных вам, совпадала с цифрой купленных птиц.

Срочный заказ. В выполнении срочного заказа по изготовлению измерительных приборов для гидроузла приняла участие рабочая бригада в составе бригадира — опытного рабочего — и 9 молодых рабочих, только что окончивших специальное профессионально - техническое училище.

В течение дня каждый из молодых рабочих смонтировал по 15 приборов, а бригадир — на 9 приборов больше, чем в среднем каждый из 10 членов бригады.

Сколько всего измерительных приборов было смонтировано бригадой за один рабочий день?

ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ, ОПУБЛИКОВАННЫЕ В № 13.

Два поезда. Нет, за один час до их встречи расстояние между ними не может быть равным 1.200 км. Цифра эта из письма с неправильным ответом. Да и все расстояние от Ташкента до Бухары намного меньше. А уж со скоростью 60 км/ч и 40 км/ч оба поезда такое расстояние за 1 час проехать никак не смогут, разве что «пролетят». Прост ответ. Где бы оба поезда ни встретились, за один час до их встречи они будут друг от друга на расстоянии 100 км. Ведь скорости их постоянны. Вот и суммируйте.



Ответ на задачку: **«Куда пришел разведчик?»** вы видите на рисунке.

Ждем ваших писем.

Капитан
К. МИРНОВ.

● АВТОЛЮБИТЕЛЮ НА ЗАМЕТКУ

НАЧАЛО НОВОЙ ЭРЫ В АВТОМОБИЛЕСТРОЕНИИ

Это событие произошло в Лос-Анджелесе. Гигант американского автомобилестроения — компания «Дженерал моторз» продемонстрировала на проходившем там автошоу образец первого серийного легкового электромобиля — И-Ви-1.

Выступая на презентации, председатель совета директоров компании Джон Смит подчеркнул, что «Дженерал моторз» демонстрирует не концептуальную модель, а именно образец серийного легкового 2-местного электромобиля.

Цена новинки составит около 30 тысяч долларов, а за отдельную плату, размер которой пока не называется, можно будет купить или взять в аренду зарядное устройство. Между подзарядками электромобиль сможет преодолеть приблизительно 90 миль, но это расстояние зависит от ряда внешних факторов, например, от того, в холодную или жаркую погоду отправляется владелец в поездку, а также и от интенсивности движения на дороге. Предполагается, что в нормальных условиях между «заправками» машина сможет пробегать 60—70 миль.

Компания также продемонстрировала электромобиль-пикап, предназначенный для перевозок небольших грузов. Производство этой машины, максимальная скорость которой составит 70 миль, начнется в 1997 году на заводе в Шривпорте (штат Луизиана). Относительно этой модели представители компании сообщили, что она должна использовать специальные дороги.

(По материалам печати).

● ЗАОЧНАЯ ЭКСКУРСИЯ

В ЗАЛАХ ЦЕНТРАЛЬНОГО МУЗЕЯ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ

(Продолжение. Начало в № 15).

Война с фашизмом в годы войны 1941—1945 годов оставила свой неизгладимый след в памяти узбекистанцев. Страшная война заглянула в каждый дом.

Открывается экспозиция «Война с фашизмом в 1941—1945 годах» разделом, посвященным 1941 году. На стендах — фотографии первых боев и сражений, в которых наряду с воинами-представителями других национальностей также смело сражались с врагом посланцы Узбекистана.

Так, среди защитников Брестской крепости был командир отделения Абдувалиев, участник военного парада 7 ноября 1941 года в Москве.

Узбекистан с самых первых страшных дней войны стал боевым арсеналом на Востоке. Фотоматериалы стендов рассказывают об эвакуации многих украинских, белорусских, российских предприятий в нашу страну, о вводе в строй новых, о выпуске военной продукции для армии, для Победы.

С началом войны ушли на фронт и получили боевое крещение 194-я стрелковая дивизия, 21-я горнокавалерийская дивизия. Немало узбекистанцев сражались в рядах прославленной 8-й гвардейской Панфиловской стрелковой дивизии. 170 воспитанников ТВОКУ влились в дивизию в 1941 году. На стендах и витрине — фотографии генерал-майора И. В. Панфилова, награды полковника Г. Ф. Курганова, удостоенного 3-х орденов Красного Знамени. Фотография и планшет Икрама Джалилова, окончившего ТВОКУ в 1941 году, получившего боевое крещение под Москвой в составе 1075-го стрелкового полка.

В зале представлен стенд контрнаступления под Москвой 5—6 декабря 1941 года. На фотографиях этого стенда запечатлены начало контрнаступления, бои за освобождение городов, сел, пребывание узбекской делегации на фронте. В витрине — личные фронтовые вещи майора Ризы Усманова, прошедшего с боями от Москвы до Берлина, боевые награды.

В вертикальной витрине — кавалерийская бурка, фотографии замполита гвардейского полка Исмаила Салимова. Он также прошел боевой путь от Москвы до Берлина. Ему посвятил свою книгу «Казак из Ташкента» Адхам Рахмат.

Следующий раздел посвящен Сталинградской битве. Многочисленные фотографии рассказывают об оборонительных боях под Сталинградом.

Здесь получил боевое крещение командир артиллерийской батареи Батыр Бабаев, впоследствии ставший Героем. В Сталинградском сражении и других битвах принимали участие и национальные части и соединения. Среди них — 90-я и 94-я узбекские отдельные стрелковые бригады, сформированные в Самарканде и Фергане, 102-я узбекская кавалерийская дивизия, сформированная в Намангане.

Мужество и героизм проявили воины взвода под командованием М. Кабирова в сентябре 1942 года под Сталинградом, 11 воинов, среди которых было 9 узбеков, до последней капли крови защищали высоту 115,2. Почти все они погибли. В честь них высота эта названа Высотой 11 героев Востока. В витрине находятся их боевые награды — ордена Красного Знамени, орденские книжки, фотографии.

В разделе «Битва за Кавказ» представлены фотодокументы боев на Кавказе. Здесь в боях отличился узбек сапер Самиг Абдуллаев. В витрине — карта-схема боевого пути 389-й стрелковой дивизии, сформированной в Ташкенте в 1942 году. Дивизия прошла с боями от Северного Кавказа до Берлина и Праги.

В боях под Курском получила боевое крещение 162-я Среднеазиатская стрелковая дивизия. Материалы о боевом пути соединения представлены в экспозиции.

В боях под Курском отличился сержант Ахмаджон Шукуров, боец 5-й Орловской стрелковой дивизии, над которой шефствовал Узбекистан. В честь нашего земляка деревня в Курской области Золотаревка переименована в Шукуровку.

В истории боевого пути частей и соединений, боевой биографии воинов-узбекистанцев значится битва за Днепр. Среди героев Днепра — уроженец Бухарской области старшина Вали Набиев, помощник командира сабельного взвода. Он отличился в освобождении ряда населенных пунктов Украины. В числе первых с группой автоматчиков он преодолел реку и обеспечил переправу эскадрона. 15 января 1944 года ему присвоено звание Героя. Рядом с фотографией В. Набиева — личные вещи, документы узбекистанцев, принимавших участие в форсировании Днепра, разведчика Агзама Ходжаева, Хакима Усманходжаева.

Мужеству и героизму наших земляков посвящен стенд «Наступательные операции». Здесь фотографии старшего сержанта Джурахона Усманова, Немаджона Хакимова, Гуляма Якубова, Камала Джамалова и многих других.

Следующий раздел экспозиции рассказывает об участии воинов-узбекистанцев в боях за освобождение стран Европы. Среди них Герои Рем Абзаров, Алексей Курбанов. В Берлинской операции отличились Таджиали Бабаев, Тухтасын Ахмедов, Салих Умаров.

Фотографии и экспонаты раздела «Узбекистан — кузница боевых резервов» рассказывает о подготовке боевых резервов, военных кадров для фронта. В то время в Узбекистане работали эвакуированные военные академии, военные училища.

Записал капитан
К. МИРГАЛАУТДИНОВ,
корр. «Ватанпарвара».

(Продолжение следует).

Командование Военно-Воздушных Сил Вооруженных Сил Республики Узбекистан выражает глубокое соболезнование семье и близким в связи с безвременной кончиной полковника РАХМАТОВА Асатуллы Исматовича.

Всю свою жизнь полковник А. И. Рахматов посвятил служению народу в рядах Вооруженных Сил. Мы потеряли замечательного специалиста, удивительно доброго и отзывчивого человека. Он останется в нашей памяти жизнерадостным, остроумным, мужественным, решительным и гордым, человеком с богатым внутренним миром, умеющим ценить настоящую мужскую дружбу.

Командование, личный состав Военно-Воздушных Сил Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Бош муҳаррир подполковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ: индекс 700031, г. ТАШКЕНТ, ул. Д. КУНАЕВА, 21

ТЕЛЕФОНЫ: Зам редактора — 56-17-98; отв. секретарь — 56-04-60. Отделы: воинской службы и воспитательной работы — 69-45-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются. За достоверность фактов ответственность несет автор.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Типография газеты «Ватанпарвар».

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50. Заказ № 036.